


ISSN 2010-720X

2004-jıldını mart ayınan baslap shıǵa basladı

# ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRIGI



ÁJINIYAZ ATÍNDAĞÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK  
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ



## ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikalıq jurnal

Seriya: Pedagogika. Psixologiya

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

## FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Pedagogika. Psixologiya

Нукусский государственный педагогический  
институт имени Ажинияза

## НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Педагогика. Психология

Nukus State Pedagogical Institute  
named after Ajiniyaz

## SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Pedagogy. Psixology

№1

2020

билин қимматлидир. Жисмоний машқлардаги нафосатни, эстетик мөхиятни, гуманистик, альтруистик мақсадни ёшлар онгига сингдириш эса узлуксиз таълимни перманенттозимга айлантиришини тақозо

этади. Мактабгача таълим эса ушбу перманент тизимнинг бошлангич босқичи ундағи жисмоний тарбияни ташкил этиш эса соғлом, баркамол авлодни вояға етказишининг тамал тошидир.

#### Адабиётлар

1. Ҳалқ сүзи. 2019, 6 август. [www.xs.uz](http://www.xs.uz).
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Таълим тўғрисида”. // Маърифат, 1997, 1-октябрь.
3. Бошлангич таълим давлат стандарти. // “Бошлангич таълим”, 1998, №6.
4. Мактабгача ўшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбия дастури. Муаллиф-чизувчилар: К.Махкамжонов, Ф.Насриддинов, Л.Семёнова, М.Исмоилова, Ш.Мирзамахмудов. -Тошкент: ХТБ, РТМ, 1994.
5. Вильчиковский Э.С.Физическая культура детей дошкольного возраста. 2-е изд. -Киев: 1999.
6. Доскин В.А. Растём здоровыми. -М.: 2002.
7. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё. -Тошкент: «Sharq», 2015.
8. Баранов А.А., Кучма В.Р., Скоблина Н.А.Физическое развитие детей и подростков на рубеже тысячелетий. -М.: 2008.
9. Губа В.П., Морозов О.С., Парфененков В.В. Научно-практические и методические основы физического воспитания детей. -М.: 2008.
10. Дистервег А. Избранные педагогические сочинения. -М.: 1956.
11. Руссо Ж.Ж. Педагогические сочинения. В 2-хт. Т.1.-М.: 1981.
12. Учинчи мингийилликнинг боласи. -Тошкент: 2002.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг ўзига ҳос имманент хусусиятлари боғча болалари морффункционал ва психофизиологик хусусиятлари, жисмоний машқларни бажариш пайтида уларни ҳисобга олиш усууллари очиб берилади. Боғча болаларида жисмоний машқларга қизиқиш уйғотишига оид педагогик тавсиялар, уларни кўллашга оид фикрлар билдирилади.

#### РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются особенности и имманентные свойства физического воспитания в системе дошкольного образования, а также морффункциональные и психофизиологические особенности воспитанников учреждений дошкольного образования. Предлагаются методические рекомендации по формированию интереса у дошкольников к физическим упражнениям.

#### SUMMARY

The article reveals the features and immanent properties of physical education in the system of preschool education, as well as the morphofunctional and psychophysiological features of pupils of pre-school educational institutions. Methodological recommendations on the formation of interests of preschool children to physical exercises are offered.

## ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

З.Д.Расулова - таянч докторант

Бухоро давлат университети

**Таянч сўзлар:** ахборот - коммуникация технологиялари, дастурий восита, коммуникатив малака, қасбий омилкорлик.

**Ключевые слова:** информационно-коммуникационные технологии, программное обеспечение, коммуникативная квалификация, профессиональная продуктивность.

**Key words:** information and communication technologies, software, communicative qualification, professional productivity.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга, талаба-ларнинг билим, қўнимка ва малакаларини ривож-лантиришига асосланган ахборот технологияларининг ўрни кундан кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда таълимни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикаимизда барча таълим жараёнларида ахборот коммуникация технологияларини кўллаш бўйича жуда кўп кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу қаторда олий таълим Технология йўналишларида хам ахборот технологияларидан фойдаланиш, дарс жараёнларини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда десак муболага бўлмайди.

Ахборотлаштириш жараёни исталган соҳани тубдан ўзгариши имкониятига ега. Бундай шароитда таълим олувчи ҳар бир шахснинг баркамоллик қобилияти рўёбга чиқади. Чунки керакли ахборотни ўз вақтида олиши ва улардан тўғри ва оқилона фойдалана олиши инсонни ижтимоий жиҳатдан ривожланишига сабаб бўлади [1].

Технология йўналиши дарс жараёнларида ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларга кўйидаги малака талабларини кўяди.

- фаннинг замонавий ютуклари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўкув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчи-ларнинг қизиқишилари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчиларнинг кўникмаларини ривожлантириш жараёнини фаоллаштириш, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини мақсадли амалга ошириш;

- зарур билим, қўнимка ва малакалар, фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, тафаккурларини ўстириб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, педагогик жиҳатдан башоратлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини кўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- илғор тажрибалар асосида таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг ноанъанавий шаклларидан фойдаланиш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказиши таъминлаш;

- талабалар онгода миллийликни акс эттириш, ахлоқий сифатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, қасбий омилкорлик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш;

- коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;

- талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш, таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларни, ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим талабаларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишинг индивидуал йўналишларини лойихалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- талабаларларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик кўллаб-қувватлаш тизимини лойихалаштириш;

- талабаларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда кўлланишини тадқик этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойихалаштириш;

- таълим-тарбиянинг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга кулагай ўқув обьектини танлаш;

- ахборот технологиялари ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ва режалари мазмунини тезкорлик билан ўзлаштириш.

Хозирги кунда технологик таълим йўналиши талабаларини тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари ва уларни таълимга жорий этиш таҗрибаларидан фойдаланиб, талабалар билимини мунтазам равишда ошириб бориш ва бунда самарали инновацион услубларни ўзлаштириб, уларни амалиётта жорий қилишимиз лозим. Бу борада замонавий ижодкор ўқитувчи олдига қуидаги вазифаларни мақсадга мувофиқ ҳал килиб олиши керак:

таълим-тарбиянинг шакллари ҳамда услублари ва уларга инновацион услубларни кўллаш имкониятлари мавжудлигини баҳолай билиш;

талабалардаги ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ва унинг мониторингини олиб бориш учун мезонлар ҳамда билим, малакаларининг эгалланиш сифатини холосона баҳолаш учун тест топширикларини тайёрлаш;

бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўрганиладиган фанлар бўйича мақсадлар кетма-кетлигини аниқлаб, ундаги охирги мақсадга эришиш учун ҳаракатчан моделларни кўллай олиш кабилардир.

Технологик таълим йўналишлари сервис хизмати дарс жараёнларида ўтилган мавзуларни тақорорлаш ва мустаҳкамлаш, янги билимлар баёни, амалий машғулот ишларини бевосита ахборот технологиялари ёрдамида қисман ёки бутунлай амалга ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун эса бир неча компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси озгина вақт ва кунт талаб этади ҳолос. Шу ўйл билан ўқитувчи энг катта мақсадга эришади, талабаларга сифатли таълим беради ва уларга етарлича касб-хунар сирларини ўргатади. Тадқиқотимиз жараённада технологик йўналиши сервис хизмати дарс жарёнини компьютер дастурларидан фойдаланиб, мавзунинг электрон дарс ишланмаси ишлаб чиқилган ҳамда амалиётта жорий қилинган. Ушбу ишлаб чиқилган электрон дарс ишланмани дарс жараённада кўллаганимизда таълим мазмунининг белгиланган мақсадига эришиш натижаси кафолатланган.



Бундай лойиҳани амалга ошириш ҳамда қўллаш авваламбор вақт унумдорлигини ошириш, мавзуни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммал лойиҳалаш, бир вақтнинг узида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали олдингиларни тақорорлаш, мукаммал қайта мустаҳкамлаш, янги мавзуни назарий ва амалий жиҳатдан пухта ва лўнда ўзлаштириш, кўпроқ талабаларни ижодий ҳамфирлиликка жалб қилиш имкониятини яратади. Электрон дарс ишланманинг афзаллик жиҳатларидан яна бирин таълим олувчиларнинг амалий машғулот жараённадаги фаоллигини ошириш, бунда ҳар бир бажариладиган технологик операцияларни кўриб бажариш талабаларнинг амалий кўнникмаларини ривожлантирибгина қолмай, уни мустакил фаолият жараённада бажара олиш қобилиятларини шакллантириб боради.

Технологик таълим йўналишининг сервис хизматида талабалар барча кас-хунар сирларини хусусан тикишибичишининг техник жараёнларини, озиқ-овқатлар тайёрлашнинг технологик жараёнларини электрон ишланмалар асосида ҳам кўриб, ҳам эшитиб, ҳам бажариб етарлича билим, кўнникма ва малакаларни эгаллайдилар.

Бундан ташқари электрон дарс ишланмани яратишида ҳам дарсни педагогик жиҳатдан мақсадли ташкил қилиш таълимнинг ноанъанавий усусларидан фойдаланиш ҳам мухим аҳамият касб этади.

«Ноанъанавий ўқитиши усусларидан фойдаланишдан мақсад, унинг афзаллiliklari, дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат?» деган саволга қуидагича жавоб бериш мумкин:

1. Мустакил фикрлашни ўргатади.
2. Кўп тармоқли.
3. Содда ва осон.
4. Билимни оширади.
5. Вақтдан ютилади.
6. Қизиқарли ўтади.
7. Дарснинг самарадорлигини оширади.
8. Дунёқарашни кенгайтиради.
9. Тафаккурни ривожлантиради.
10. Талабаларнинг дикқат-эътиборини тортади.
11. Ҳар бир талаба билан индивидуал муносабатда бўлишини таъминлайди.
12. Хотирани кучайтиради.
13. Изланишга ундейди.
14. Талабаларни ўз устида ишлашга ўргатади [2].

Бундай ўқитишидан кўзланган мақсад бу давлат таълим стандартлари асосида талабаларнинг билим, кўникмаларини тўғри ва оқилона ўзлаштириш имкониятини яратишдан иборат. Демак ахборот технологиялари асосида талабаларнинг ижодкорлик фазилатини шакллантиришда уларнинг бажариши лозим бўлган вазифаларида қуидаги талабларни инобатга олиш лозим:

Билим олиш – асосий далилларни кидириш ва топиш, хотирада сақлай олиш, тавсифлаш, қайта жонлантириш, номини айтиш, изланиш, тузилишини билиш ва кўрсатиш кабилар орқали амалга ошади.

Тушуниш – қайта сўзлаш, моҳиятини тушуниш, тушунтириш, тасвирлаш ва бошқа усуlda ҳамда бошқа сўзлар билан таърифлай олиш натижасида эришилади.

Ишлатиш (кўллаш) – олинган билимни бошқа шаротларда кўллаш (ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, кўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш)ни ўз ичига қамраб олади.

Таҳдил (анализ) – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш, соҳа материалини (билим, ходиса, машина, маълумот) ташкил этувчиларга (таркибий қисмларга) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб олиш [3,4].

Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳдил қила олиш (қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир-бирига улаш, бирлаштириш, бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гурухларга ажратиш, умумий конуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш).

Синтез – янги нарсани (билим, предмет, машинани) унинг бир қанча қисмларидан (бўлакларидан) уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (тузиш, конструкция йигиш, комбинациялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш), уларни синашни амалга ошириш ва натижা асосида янгила-рини мавжудларига рақобатчи сифатида ишлаб чиқиши.

#### Алабиётлар

1. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси маъruzalar тўплами.
- Т.: ТАТУ.
2. Толипов Ў.Қ., Усмонбоев С.А. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Ўкув кўлланма. – Т: «Фан ва технология», 2006.
3. Мавлонова Р. Педагогика дарслиги. – Т.: «Ўқитувчи», 2008. 215-б.
4. Расулова З.Д. Мехнат таълими фанини инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш педагогик муаммо сифатида. Педагогик маҳорат. 2019, 1-сон, 36-38-б.

Мақолада ахборот - коммуникация технологиялари асосида Технологик таълими йўналишлари дарс жараёнларини самарали ташкил этишининг назарий жиҳатлари келтирилган. Сервис хизмати фани мавзуси мисолида электрон дарс ишланма амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

В статье приведены теоретические аспекты эффективной организации процесса преподавания предмета с использованием информационно-коммуникационных технологий по направлению «Технология». На примере предмета «Сервисное обслуживание» с практической стороны разработан конспект урока.

The article describes the theoretical aspects of effective organization of the process of teaching a subject using information and communication technologies in the direction «Technology». On the example of the subject «Service» from the practical point of view, a lesson summary has been developed.

## МУСИҚАНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚА САНЬАТИ

**С.Романова** - педагогика фанлари номзоди

*Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** мумтоз мусика, ижод, педагогик фаолият, мусикий қобилият, дикция, асардаги алоҳида кочиримлар, безак, унли товуш.

**Ключевые слова:** классическая музыка, творчество, педагогическая деятельность, музыкальная способность, дикция, особенности отступления в произведениях, мелизмы, гласные звуки.

**Key words:** classical music, creative activity, pedagogical activity, musical ability, diction, particularities retreat in product, melizms, vowel sounds.

Мусика санъати инсон руҳияти ҳамда ижтимоий воқеликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишининг ўзига хос шакли хисобланади. Мусика асарини яратишда ижодкор муайян образлар воситасида юксак инсоний сифатларни ёритади. Мусика ва қўшиқларда табиат манзаралари, инсонларга хос хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, ижобий психологик ҳолатлар – хурсандчилик ёки аксинча, салбий ҳолат – ғам-алам, истироб, тушкунлик каби ходисалар ифодаланади.

Мусиқанинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишиларнинг онгини ўтириш, иродавий сифатларини ривожлантириш, ҳиссиятини бойитишига эмоционал таъсирини кўрсатади. Талабалик даврида гўзалликни тушуниш, мусикий асарлардаги кайфият, ҳис-ҳаяжон, воқеликнинг мазмунини англаш онгли кечади. Мумтоз мусика асарлари воситасида талабаларда бадий дидни шакллантириш энг аввало, асарнинг мусикий матнини идрок этиш, оҳанг тузилиши, товушлар ранг-баранглигини ҳис қилишдан бошланади.

Оҳанглар таъсирида инсон руҳиятида муайян психологияк ходисалар рўй беруб, ижобий ва салбий

таблим-тарбия жараёнларида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методик мақсадга мувофиқлиги шундаки, турли шаклдаги ахборотларни глобал ва локал тармоқларда кидириш, уни қайд этиш, йигиш, тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва узатиш, эксперимент натижаларни ишлаб чиқиш, реал обьектларни бошқаришни амалга ошириш, ўкув фаолиятини автоматлаштирилган ҳолатини ташкил этиш, турли педагогик воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда дидактик ва методик материалларни яратишдан иборатdir.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак педагогларни тайёрлайдиган олий таълим масканларида, ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб ўкув жараёнларини ташкил этиш мураккаб вазиятларда тезкорлик билан бир қарорга келиш, ахборотни кидириш, уни олиш, коммуникатив билимларини ва бошқа шу каби қобилиятларини ошириш учун, энг куляй технологик имкониятлари бўлган шарт шароитлар яратилади ҳамда талабалар кўз олдида намойиш этилган медиамахсулотлари, кўргазмали материаллари асосида янада кизиқарли бўлиб, осон ўзлаштирилади ва уларда мустақил фикрлаш, ўз устида ишлаш малакалари мустаҳкамланади.

## РЕЗЮМЕ

## РЕЗЮМЕ

## SUMMARY

кайфиятларни юзага келтиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мумтоз асарлар инсон руҳиятида энг нозик ҳисларни юзага келишига таъсири этади. Юксак маҳорат билан билан ижро этилувчи мумтоз асарларнинг барчаси инсонда кўтарикин кайфиятни ҳосил қиласи. Мумтоз асарларни доимий равища ўрганиб бориш бўлажак мусика ўқитувчиларида ҳақиқий санъат асарларининг қийматини тўғри баҳолаш кўнилмаларини шакллантиради, бадий савияси паст бўлган, мазмунсиз куй ва қўшиқларни тинглаш учун вақтни сарфлашнинг олдини олиша уринганлар.

Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, бўлажак мусика ўқитувчиларида бадий дид мусикий асарларнинг бадий қиммати ва ижро даражасини баҳолай олиш кўнилмасига эгалиқдангина намоён бўлмай, уларни юксак маҳорат билан ижро эта олишларида ҳам намоён бўлади.

Мусикий асарлардаги жозибани идрок этишда унинг ташки мезонлари, хусусан, шакл тузилишидан хабардор бўлиш талаб этилади. Масалан, оддий куплетли қўшиқлардаги жозиба, энг аввало, унинг шеърий матни

# M A Z M U N Í

## PEDAGOGIKA İLIMLERİ

### Pedagogika teoriyası hám tariyxi

<b>Абдисаттарова Э.</b> Қарақалпақстан мектеплеринде химия пәнин оқытыу тарийхынан .....	3
<b>Алламбергенов Е.К.</b> Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дагы шаңарак тәлім-тәрбиясы ҳаққында этнопедагогикалық көзқараслар .....	5
<b>Алламбергенов Е.К.</b> «Шәрияр» дәстанында мийнет тәрбиясы мәселелери .....	7
<b>Айтымбетов М.З.</b> Коракалпогистон умумий ўрта таълим мактаблари ривожланиши тарихидан .....	9
<b>Хатамов Т.А.</b> Мустақиллик йилларида таълим ислоҳотлари: муаммолар ва тажриба (тарихий таҳлил) .....	10
<b>Joldasbaev Р.М.</b> J.Bazarbaevtiň dástúrlar, ruwxulyq hám ádepe - ikramlılıq haqqındağı tárbiyalıq kózqarasları .....	13
<b>Курбанбаева А.Ж.</b> Халық педагогикасында жасларға әдіраспан осимлигиниң емлик қәсийетин үретиү дәстүрл .....	15
<b>Қанғлибеков К.Д.</b> Профессионал тәлімниң азбаллықлары ҳәм экономикалық тәреплери .....	16
<b>Коржиков Б.Ж.</b> Ёшлар тарбиясида тасвирий саныт асарларини бадий таҳлил килиш асосларининг долзарб масалалари .....	18
<b>Отамуродов F.Р., Эргашев Ә.С.</b> Таълимни ахборотлаштириш шароитида раҳбар кадрлар бошқарув компетенлитини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари .....	20
<b>Оразымбетов Е.К.</b> Глобаллашув даврида ёшларнинг ватанпарварлык түйгүсүни такомиллаштиришда халық педагогикасинин ахамияти .....	23
<b>Сулаймонова Н.</b> Замахшарий асарларida сабр ва қанаот тушунчалары талкини .....	25
<b>Тажиева А.У., Бекмуратова Н.А.</b> Инглиз тили дарсларida мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиш тажрибасидан .....	27
<b>Tálím - tárbiya teoriyası hám metodikası</b>	29
<b>Абдимуратов Ж.П.</b> Оилада болаларда гүзәллик фазилатларини ривожлантириш .....	31
<b>Абдуллаева Р.М.</b> Сетевое образование в вузе: медицинская терминология русского языка .....	32
<b>Алламбергенов К., Юсупов К.А.</b> Академиялық лицейлерде Ө.Хожаниязовдоретиүшилгитин оқытыу .....	35
<b>Ахмедов Ф.К., Кулбоев Н.С.</b> Олий таълим мұассасалар таалabalарининг жисмоний маданиятини ривожлантириш масалалари .....	37
<b>Атажанова Г.Ю.</b> Филологик таълимдан бошқа гурухларда рус тилига оид дидактик материаллардан фойдаланиш методикаси .....	39
<b>Ашупрова Д.Н.</b> «Таянч масалалар» ёрдамида таалabalар фәоллигини ошириш методикаси .....	41
<b>Бабашева Г.Б.</b> «Она тили» дарсларida ижодий тафаккурни ривожлантириш методикасига доир .....	43
<b>Баллиева Р., Гайпов Р.Т., Есбергенова С.А.</b> Мектеп география пәнинин методикалық машқалалары .....	44
<b>Байманова У.Ш., Бердимуратова Р.Е.</b> Стиль педагогических взаимоотношений будущего учителя английского языка .....	46
<b>Бахриддинов Х.З.</b> Мактаб ўқыучилар жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси .....	48
<b>Бахриддинов Х.З.</b> 5-7-сinf ўқыучилари умумий жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси .....	50
<b>Ешбаева М.</b> Астрономия курсини ўқытиш жараёнда педагогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти .....	52
<b>Ходиев Р.Х., Сайдбоеv Б.Ж.</b> Ҳарбий хизматчиларнинг педагогик маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари .....	55
<b>Исақулов М.Р.</b> Юкори синф ўқыучилари билан «жахолатта қарши – маърифат» борасидагы тушунчалар устида ишлаш технологияси .....	57
<b>Калимбетов К.</b> Қатының мантиқ принциплари асосида таалabalар билимнин комплекс баҳолаш тизимини яратиш .....	59
<b>Карлыбаева Г.Е.</b> Бүлажак физика ўқытувчисининг методик тайёргарлигини компетенцияйив ёндашув асосида ривожлантириш .....	61
<b>Күттибекова Г.Т.</b> Диагностика и определение направлений применения арт-педагогических технологий в эстетическом воспитании младших школьников .....	63
<b>Qırımanov A., Shamuratova T., Amanbaev M., Yuldasheva N.</b> Uhıwma bilim beriw mekteplerinde klasstan tisqarı jumislardı shólkemlestiriwdiň aýıǵım máseleleri .....	65
<b>Моянов Ы.Ж.</b> Умумий ўрта таълим мактабларida қарақалпок халық мусықа саньтатини урганишнинг педагогик ахамияти .....	67
<b>Набиев А.</b> Замонавий дарсларда муаммоли вазиятларни баён этиш (“Материаллар каршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида) .....	69
<b>Нурддинова М.</b> Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний күнкімка ва малакаларини ривожлантиришда ҳаракати ўйинларни күллаш .....	71
<b>Нурланов А.</b> Мектеп билимлendirиўи сыйпаты ҳәм нәтийжелilikin асырыў мәселелери .....	73
<b>Оразбаева Г.Ж.</b> Взаимодействия семьи и школы, направленное на самореализацию учащегося .....	74
<b>Оразов Ш.Б., Мамутов К.Т.</b> Методология контроля и оценки методологии в системе слуха .....	76
<b>Pazılıov A.K., Pıyasova Z.U.</b> Oqıwshılardıň ózbetinshe kitap oqıw mädeniyatın qáliplestiriv usılları .....	78
<b>Пазылов М.А.</b> Шаңаракта баланың жас өзгешеликлерине ылайық тәрбия бериў машқалалары .....	79
<b>Пирманова Г.Н.</b> Художественное наследие англии в обучении английскому языку .....	81
<b>Prenov B.B., Atabaeva B.J.</b> Zamanagóy bilimlendirirwe modulli-kredit sistemalari haqqında .....	83
<b>Рахимов В.</b> Мактабгача таълим тизимидә жисмоний тарбияни ташкىл этишининг имманент хүсусиятлари .....	85
<b>Расурова З.Д.</b> Технология таълим йүналиши ўкув жараёнларда ахборот - коммуникация технологиялардан фойдаланиш .....	87
<b>Романова С.</b> Мусықаның тарбияйив ахамияти ва ўзбек мұмтоз мусықа саньтати .....	88
<b>Сайдов А.И.</b> Ёшлар ўртасыда соглом түрмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устуров йүналиши сифатида .....	91
<b>Сапаева Ф., Ережевова Д.</b> Ўзбек тилини ўқытишда адабий ўқыши ва матнини шарҳдаш тамойилларини ўргатыш технологиялари .....	94
<b>Сайтов М.</b> Руýýкий жетиikkilik ҳәм оған ерисиў жоллары .....	95
<b>Тажиев Ж.К.</b> Технология ўқытувчиларини тайёрлашда уларнинг халық хунармандчилиги бүйича компетенцияларини ривожлантириш .....	97
<b>Таспанова Ж.К.</b> Әжинияздың жасларга билим беріў үсыллары ҳаққында .....	99
<b>Тожибоеva Н.</b> Бүлажак ўқытувчиларда менеджерлик күнкімаларини шакллантириш технологиялари .....	102
<b>Уразимова Т.В.</b> Қарақалпақстан сүүртгелеў өнери тийкарында таалabalардың көркем-дөретиүшилик үқыбын раýажландырыў жоллары .....	104
<b>Юнусов Д.Р.</b> Ахборот в телекоммуникацион воситалар ёрдамида таалabalarda педагогик хурфиксрилики шакллантириш .....	106
<b>Юсупов К.А.</b> Академиялық лицейлерде Т.Қабуловтың өмири ҳәм лирикасын үйрениў .....	110
<b>Юсупов Г.А.</b> Физкультурно-спортивная деятельность – как базовый фактор физической подготовленности студенческой молодёжи .....	113
<b>PSIXOLOGIYA İLIMLERİ</b>	114
<b>Акрамова Ф.А.</b> Психологическая помощь семье: семейно-брачные трансформации и неформальные браки .....	116
<b>Бабашева Г.Б.</b> Бошлангич синф ўқытувчиларининг ижодий фикрлаш жараёнлага психологияк ва педагогик ёндашувлар .....	119
<b>Қодирова А.Б.</b> Ҳаким Термизийнинг табиат ўзғарышларининг инсон рухиятига таъсири хүсусидаги қарашлари .....	121
<b>Нарметова Ю.К.</b> Бронхиал астма билан касалланған беморларнинг психо-эмоционал хүсусиятлари .....	123
<b>Нұрымбетова Э.Ж.</b> Основные психологические формы работ с конфликтами .....	125
<b>Tleumbetova K., Shamuratova X.</b> Maktabgacha va boshlang'ich ta'liminining uzviyligini psixologik-pedagogik qo'llab-quvvatlash .....	127
<b>Юлдашева С.Т.</b> Таалabalар кизиқишиларини фәоллаштириш жараённиннинг психологик жиҳатлари .....	127

### USTAZLAR SHEJIRESI

<b>Курбанбаева Д.М.</b> Илим шынына жеткен педагог алым .....	127
---	-----